

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА БАҲОЛАШ

Самадова Наргизза Расуловна
ТДИУ, “Молиявий таҳлил”
кафедраси доценти
nargizasamadova040@gmail.com

Аннотация: Мазкур мақолада хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил ва унинг натижадорлигини таъминлаш, иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг ахборот таъминоти масалалари умумий жиҳатдан баён қилинган ахборот манбасидан фойдаланишнинг аҳамияти очиб берилган.

Abstract: In this article, the importance of using the information source, where the issues of economic potential analysis of economic entities and ensuring its effectiveness, organization and conduct of economic analysis and its information supply are explained in general.

К

а

Keywords: economic potential, information supply, property potential, labor potential, production potential.

т

Бугунги кун шароитида ҳар қандай иқтисодий субъектнинг якуний мақсадга эришишида унинг иқтисодий салоҳиятига бевосита боғлиқдир. Салоҳият тушунчаси жуда кўплаб жабҳаларда қўлланилиши мумкин. Хусусан, Президентимиз томонидан ўтказилган йиғилишларда интеллектуал салоҳият, туризм салоҳити, саноат салоҳияти, инновацион салоҳият, муҳофаа салоҳияти ва кўплаб соҳаларга оид “салоҳият” атамаси ишлатилган. Чунки, ушбу сўзнинг руғавий маъносидан келиб чиқиб, мавжуд ҳолат ва келгусидаги имкониятларни баҳисодий салоҳият хўжалик бўлишига, мулкӣ салоҳият, меҳнат салоҳияти, ишлаб чиқариш салоҳияти, иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш асосида уни баҳолаш жараёнида қўлланиладиган усуллар, илмий манбаларда келтириб ўтилган услуб ва услубиётлар, уларнинг мазмуни ва қиёсий таҳлилини илмий тадқиқ этиш тадқиқот вазифаларидан бири сифатида белгиланган.

Ҳар қандай таҳлил турининг натижадорлиги унинг ташкилий ва ахборий жиҳатларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шу боисдан ҳам иқтисодий таҳлил ва унинг назариясига бағишланган аксарият адабиётларда иқтисодий таҳлил ишларини ташкил этиш, ўтказиш ва унинг ахборот таъминоти масалалари умумий жиҳатдан баён қилинган. Мазкур манбаларда иқтисодий таҳлилни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини расмийлаштириш иқтисодий таҳлил

фанининг умумий назарий-методологик нуқтайи назардан очиб берилган. Бирок, тематик таҳлил нуқтайи назардан алоҳида таҳлил объектлари бўйича таҳлилни ўтказиш кетма-кетлиги келтириб ўтилмаган.

Корхона иқтисодий салоҳияти комплекс тушунча сифатида қаралса ҳам иқтисодий таҳлилнинг муҳим таркибий элементи ҳисобланади. Шу боисдан, унга тематик таҳлил сифатида ёндашган ҳолда ташкилий асосларини ёритиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида корхона иқтисодий салоҳияти таҳлилини ўтказиш методикасини қуйидагича ифодаладик.



1-расм. Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлилини ташкил этиш ва ўтказиш боққичлари¹

Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлилининг ҳар бир боққичида унинг натижадорлигини таъминловчи кўплаб жиҳатлар мавжуд. Хусусан, тайёргарлик

¹ Тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

босқичида иқтисодий салоҳият таҳлилининг режа ва дастурини тузиш унинг кейинги босқичларда муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим мезонларидан ҳисобланади. Бу борада шуни эътироф этиш керакки, иқтисодий таҳлилнинг режа ва дастурини тузиш бўйича қонунчиликда белгиланган тартиб мавжуд бўлмаганлиги боис, манбаларда унинг намунавий шакли эмас балки таркибига тўғрисида қисқа маълумот берилган, холос. Бироқ, иқтисодчи олим О.Очилов илмий тадқиқот ишида корхона инвестициялар таҳлили режаси ва дастурининг намунавий шакллари таклиф этган. Ушбу тадқиқот ишида келтирилган тематик таҳлил тури бўйича режа ва дастур тузиш муҳим аҳамиятга молик деб ҳисоблаймиз. Чунки, пухта тузилган режа ва дастур мақсадга осон ва юқори самарадорлик билан эришишга замин яратади.

Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили юқорида таклиф этилган босқичлар, ҳар бир босқич бўйича бажариладиган таҳлилий амаллар, ўрганиладиган масалалар, кўрсаткичлар ва усулларни қамраб олувчи режа ва дастур асосида ташкил этилса таҳлилнинг натижадорлиги ошади ва самарали бошқарув қарорлари қабул қилинишига эришилади деб ҳисоблаймиз.

Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлилининг асосий қисми, яъни таҳлил қилиш босқичи жараённинг марказий қисми ҳисобланади. Ушбу босқичда кўрсаткичлар тизими иқтисодий салоҳиятни баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар орқали ишлаб чиқилиб, уларни таҳлил қилишда эса жуда кўплаб усуллардан фойдаланиш мумкин.

Корхона фаолиятида бошқарувнинг муҳим вазифаларидан бири унинг иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашдир. Эркин иқтисодиёт шароитида бизнес субъектлари учун иқтисодий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ҳолатини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илмий асосланган иқтисодий механизмлари мавжуд эмаслиги тадбиркорлик субъектларининг инвестиция фаоллиги ва рақобатбардошлигини пасайишига олиб келади. Бу эса корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг янги усуллари ва моделларини ишлаб чиқиш орқали унинг иқтисодий ҳолати ва ривожланишида бошқарув қарорлари таъсирини оширишни тақазо этади.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш методлари икки гуруҳга бўлиб ўрганилди. Биринчи гуруҳ, иқтисодий салоҳиятни баҳолашнинг анъанавий методлари бўлиб, уларнинг барчасида корхона иқтисодий салоҳияти хўжалик фаолияти натижаларини ифодаловчи ҳақиқий кўрсаткичлар қийматида келиб чиқиб амалга оширилади. Бунда бозор қийматининг даромадлар ва қиёсий таҳлил методлари, шунингдек, комплекс рейтинг баҳолаш методи иқтисодий салоҳиятни натижавийликка, мулкый (харажатлар) методи эса ресурсларга асосланган ёндашувини намоён қилади. Бироқ, корхона ресурслари ва улардан фойдаланиш натижадорлиги бўйича

иқтисодий салоҳиятга баҳо берувчи методларда қуйидаги камчиликлар мавжуд: ресурслар ва натижадорликни баҳолашда омилларнинг ўзаро таъсири ҳисобга олинмасдан алоҳида таҳлил қилинади; фақатгина эришилган натижа ўрганилиб, истиқболли кўрсаткичларга эътибор қаратилмайди.

Фикримизча, иқтисодий салоҳиятни баҳолашда натижасида унга яхлит тизим сифатида қараган ҳолда мавжуд ресурслар билан чекланиб қолмай, келаждаги имкониятларни ҳам аниқлай олиш лозим. Корхона иқтисодий салоҳиятини маълум қисми бўйича комплекс таҳлил ўтказиб, тўғри ва умумий хулоса шакллантириш имконини бермайди. Анаъанавий методлар корхона иқтисодий салоҳиятини тўлалигича, мантиқий узвийликда таҳлил қилиш ва баҳолаш учун етарли имкониятларга эга эмас деган илмий хулосага келинган. Шу боисдан, замонавий тадқиқотларда корхона иқтисодий салоҳиятининг олдинги ва жорий даврлар бўйича таҳлил қилиш асосида унинг истиқболли даражасини баҳолашга кенг эътибор берилмоқда. Тадқиқотлар натижасида корхона иқтисодий салоҳиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган методларнинг иккинчи гуруҳи замонавий методлар деб номланиб, уларда асосий урғу иқтисодий салоҳиятнинг таркибий қисмларини баҳолашга қаратилган. Иқтисодий салоҳият элементларини молия-хўжалик фаолиятининг натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар асосида балли, эксперт, экспресс ва молиявий кўрсаткичлар ёрдамида баҳолаш методлари қўлланилган. Бироқ, манбаларда иқтисодий салоҳият таркиби бўйича ягона ёндашув мавжуд эмас. Шундай экан, корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича унинг таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлиги ва боғлиқлигидан келиб чиқиб, уларнинг хусусий ва умумий таъсирларини ҳисобга олган ҳолда корxonанинг жорий ва истиқболдаги салоҳиятини баҳолаш имконини берувчи услубиёт илаб чиқиш ҳанузгача устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Корхона иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича анъанавий ва замонавий методларнинг моҳиятини тадқиқ этиш асосида маълум бўлдики, корxonанинг иқтисодий салоҳиятини таҳлили ва баҳолашнинг асоси иқтисодий ресурсларнинг шаклланиши, ишлатилиши ва иқтисодий натижалар билан боғлиқ кўрсаткичлар ҳамда улар ўртасидаги самарали ўзаро таъсир мезонига асосланиши керак. Бу эса иқтисодий салоҳиятнинг корxonани барқарор, самарали фаолият юритиши учун учун ўзини ўзи ривожлантиришнинг ички манбаларини шакллантириш ва амалга ошириш ролини мужассам этган ҳолда ички ва ташқи муҳитнинг ўзгаришига мутаносиблиги билан белгиланади.

Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлилининг асосий босқичида зарур бўлган яна бир муҳим элементлардан бири бу мазкур жараёнда қўлланиладиган усуллардир. Мазкур усуллар таҳлил натижаларининг самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатиб, масалага таҳлилчининг қандай ёндашаётганлигидан келиб чиқиб танланади.

Адабиётлар:

1. Самадова, Н. Р. (2024). КОРХОНА ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИНИНГ КОМПЛЕКС ТАҲЛИЛИ COMPLEX ANALYSIS OF THE ECONOMIC COMPETENCE OF THE ENTERPRISE. *World scientific research journal*, 23(2), 174-181.
2. Samadova Nargiza Rasulovna. (2023). Ways to Analyze Financial Potential Based on the Balance Sheet. *Central Asian Journal of Innovations on Tourism Management and Finance*, 4(12), 65-67. Retrieved from <https://cajtmf.centralasianstudies.org/index.php/CAJITMF/article/view/661>
3. Мамат кулов, А. Х. (2023). Пахтани қайта ишлаш корхоналарида ишлаб чиқариш харажатлари бўйича таннархни ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш. *Gospodarka i Innowacje.*, 41, 142-145.
4. Маматкулов, А. (2017). Совершенствование учета затрат в производственном учете на хлопкоперерабатывающем предприятии. Экономика и инновационные технологии, (3), 111–117. извлечено от https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9264
5. Rozmatovna, Y. U. (2022). Improvement of Intangible Assets Accounting and Auditing. *Texas Journal of Multidisciplinary Studies*, 9, 102-104.
6. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI TARTIBLASHDA BOZOR MECHANIZMI . *Journal of New Century Innovations*, 30(3), 12–13. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/new/article/view/7342>
7. Nurmanov, U. A. (2022). Budgeting in the management of current assets. *Berlin Studies Transnational Journal of Science and Humanities*, 2(1.1 Economical sciences).
8. У.А. Нурманов. (2024). Жорий активларни бошқаришда тизимли ёндашишни такомиллаштиришнинг муҳимлиги. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 277–286. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3041>
9. Yuldasheva, U. A. (2022). THE IMPACT OF THE TAX BURDEN ON THE FINANCIAL ACTIVITIES OF BUSINESS ENTITIES. *ILMIY TADQIQOT VA INNOVATSIYA*, 1(1), 55-63.
10. Yuldasheva Umida Asanaliyevna. (2024). WAYS TO OPTIMIZE THE TAX BURDEN ON ORGANIZATIONS IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. *American Journal of Business Management, Economics and Banking*, 20, 248–253. Retrieved from <https://www.americanjournal.org/index.php/ajbmeb/article/view/1782>
11. Yuldasheva, U. (2022). IQTISODIYOTNING XALQARO INTEGRATSIYASIDA INVESTITSIYALARNING O'RNI VA

- АХАМИЯТИ. INTERNATIONAL CONFERENCE ON LEARNING AND TEACHING, 1(4), 336–345. Retrieved from <https://researchedu.org/index.php/iclt/article/view/2742>
12. Юлдашева, Д. А. (2024). ИНФОРМАЦИОННАЯ ОСНОВА ОЦЕНКИ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ. *World scientific research journal*, 23(2), 57-66.
13. Yuldasheva D.A. (2023). INFORMATION AND ANALYTICAL BUSINESS ENVIRONMENT AND ITS INTERACTION WITH ACCOUNTING IN THE DIGITAL ECONOMY. *European Journal of Research Development and Sustainability*, 4(1), 9-12. Retrieved from <https://scholarzest.com/index.php/ejrds/article/view/3106>
14. Сагдиллаева, З. А. (2024). ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ РАЗВИТИЯ: ТЕОРИЯ И ПРАКТИКА. *World scientific research journal*, 23(2), 191-198.
15. Сагдиллаева, З. А. (2024). СОДЕРЖАНИЕ И ПОРЯДОК ПРОВЕДЕНИЯ АНАЛИЗА ФИНАНСОВОЙ ОТЧЁТНОСТИ, СФОРМИРОВАННЫЙ НА ОСНОВЕ МСФО. *World scientific research journal*, 23(2), 437-442.
16. Sardor Umarovich Kholdorov (2022). Investitsion loyihalarini moliyalashtirishda xavflarni baholash va boshqaruv masalalari. "The processes of digital transformation in the economy, finance and management in the context of a pandemic", 6, 916-927 pp.
17. Сардор Умарович Холдоров (2022). Рақамли иқтисодиёт шароитида инвестицион фаолиятини молиялаштириш истиқболлари. "Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси: мақсад, тамойиллар ва ривожланиш истиқболлари", 3, 326-329 б.
18. Абдуллаев Аброр Бозарбоевич. (2023). Корхона солиқ мажбуриятларини самарали бошқаришни таъминлашда солиқ аудитининг роли. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 134–142. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2871>
19. Абдуллаев, А. Б. (2019). Совершенствование учета и анализа налогов improvement of accounting and analysis of taxes. ББК 65.052 Б 94, 10.
20. Абдуллаев Аброр Бозарбоевич. (2023). Солиқ таваккалчилигини бошқаришда солиқ аудитининг роли ва вазифалари. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 166–175. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2874>
21. Abdullayev, A. B., & Ochilov, O. I. (2021). A new approach to the methodology of tax analysis. *Asian Journal of Research in Business Economics and Management*, 11(9), 19-25.

22. Якубов Улугбек Касимович. (2024). Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий- иқтисодий ҳолатини таҳлилида ташқи иқтисодий фаолият кўрсаткичларидан фойдаланиш масалалари. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 428–436. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3055>
23. U.Yakubov, Q.Altiyev, Sh.Maxmudova. (2022). *Biznes tahlilda raqamli texnologiyalar*. (Darslik). –Т.: “Nihol print”, 236 b.
24. Klichev, B. (2024, февраль 23). Inson kapitalini rivojlantirishda ishchilar harakati tahlili. Ilm-fan taraqqiyotida mintaqaviy iqtisodiyotni rivojlantirish va kambag'allikni qisqartirish, Farg'ona, O'zbekiston. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10901976>
25. Қличев, Б. (2021, май 21). Маҳсулот (иш, хизматлар) га баҳо шакллантириш масалалари. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647005>
26. Қличев, Б. (2021, май 21). Ўзбекистонда ишбилармонлик фаоллиги таҳлилин ташкил этиш. Бухгалтерия ҳисоби ва аудиторлик фаолиятини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг долзарб масалалари. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10646960>
27. Қличев, Б. (2021, май 5). Ишбилармонлик фаоллиги индекси таҳлили. *Biznes-tahlilni rivojlantirishning zamonaviy tendensiyalari va istiqbollari*. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647021>
28. Қличев, Б. (2022, сентябрь 16). Операцион фаолият таҳлилида харидор танлови асосида маҳсулотга баҳо шакллантириш масалалари. Инновацион ёндашув асосида молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10647059>
29. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2024). Ишчилар кўнимсизлиги таҳлили. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 287–294. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3042>
30. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Ta'limda texnologiyalarni qo'llash hamda xorijiy tillarni o'rgatish orqali mutaxassislarni malakali kadr sifatida chiqarish islohatlari. *Scientific approach to the modern education system*, 2(18), 62-64.
31. Adurahimov, A. Z., & Ergashov, I. O. (2023). Kichik biznesga qanday yengilliklar beriladi, kimlar 20 mln yoki 30 mln to'lasa soliq hisobotini yuritishi shart emas, 2023 yilgi soliq o'zgarishlari. *ijodkor o'qituvchi*, 3(32), 30-32.
32. Қиличев Ботир Пардаевич. (2024). COVID-19 пандемиясидан кейин туризмни ривожлантириш йўналишлари. Образование наука и инновационные идеи в мире, 39(2), 130–134. Retrieved from <https://newjournal.org/index.php/01/article/view/11578/11219>

33. Abdullaevich, K. M. (2020). Issues to enhance financial literacy on extrabudgetary targeted funds. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(8), 129-135.

34. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Яширин иқтисодийта қарши курашишда фискаль сиёсат, хорижий тажриба, муаммо ва ечимлар. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 257–265. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3039>

35. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Солиқ маъмурчилигида молиявий технологиялар – хуфиёна иқтисодийтни қисқартириш омили сифатида. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 266–276. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3040>

36. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Қўшилган қиймат солиғини қўллашнинг халқаро амалиётдаги моделлари. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 295–302. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3043>

37. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Хуфиёна иқтисодий шароитида фискаль сиёсати ва унинг назарий асослари. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 303–313. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3044>

38. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Божхона тўловларини ундиришда молиявий технологияларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 314–324. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3045>

39. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Erkin iqtisodiy zonalar faoliyatini takomillashtirish va normativ-huquqiy asoslari. *World Scientific research Journal*, 23(2), 344–351. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3048>

40. Қурбонов Муҳиддин Абдуллаевич. (2024). Fiskal siyosat bo'yicha xorijiy mamlakatlar tajribasi va uni qo'llash muammolari. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 352–361. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3049>

41. Dusiyarov, S. K. (2021). Issues Of Supporting Activities Of Business Entities Through Improving Tax Administration In Uzbekistan. *Academia Globe*, 2(11), 51-59.

42. Dusiyarov, S. X. (2023). Stages of entrepreneurship development in uzbekistan and its role in the national economy. *Modern Science and Research*, 2(6), 16-25.

43. Дусяяров Ш. (2021). Кичик тадбиркорлик субъектлари молиявий фаолиятига солиқларнинг таъсири таҳлили, *Iqtisodiyot va ta'lim*, 2021, 6, 105-109. <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/289>

44. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции, 146-154.

45. Дусияров, Ш., Чоршанбаев, У., & Муратжанова, Л. (2024). Саноатни модернизациялашда самарали солиқ механизмларидан фойдаланиш йўллари. *Iqtisodiy taraqqiyot va tahlil*, 2(2), 367-376.

46. Fayziev, F. (2021). Маҳаллий бюджет даромадларини оширишда мулкый солиқларнинг аҳамияти. *Архив научных исследований*, 2(1). извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/305>

47. Файзиев Фаррух Абдуллахожаевич. (2024). Ўзбекистонда ўзини ўзи банд қилиш: ривожланиш истиқболлари ва солиқ тизимидаги ўрни. *World Scientific Research Journal*, 23(2), 387–402. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3052>

48. Abdullakhojaevich, F. F. (2020). Peculiarities of assessing real estate by market value for the taxation purpose. *International Journal of Research in Social Sciences*, 10(7), 92-100.

49. Файзиев, Ф. (2020). Солиқ солиш мақсадида кўчмас мулкни бозор қийматида баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари. *Экономика и инновационные технологии*, (1 (2)), 218-227.

50. Хамидова Сулув Янгибоевна. (2023). Халқаро амалиётда ички аудиторлик текширувларини ўтказиш услубиётини ва ички аудитнинг халқаро стандартларини такомиллаштириш асослари. "XXI ASRDA INNOVATION TECHNOLOGIYALAR, FAN VA TA'LIM TARAQQIYOTIDAGI DOLZARB MUAMMOLAR" nomli respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi, 1(8), 8–22.

51. Хамидова С.Я. (2023). Молиявий ҳисоботларни трансформация қилиш ва параллел усулларда тузишнинг ташқилий жиҳатлари. "Conference on Universal Science Research 2023", 1(8), 18–23.

52. Yuldashev, J. A. (2023). Marketing Principles of Formation of Reserve Funds in the Practice of Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 3(5), 1–6. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1650>

53. Юлдашев, Ж. А. (2023). Изучение современного состояния банковских поступлений, формы развития внутрибанковских и межбанковских расчетов. *World scientific research journal*, 12(2), 186-196.

54. Юлдашев, Ж. А. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА МИЖОЗЛАР БИЛАН МУНОСАБАТЛАР ҲОЛАТИНИ БАҲОЛАШ УСУЛИНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ.

55. Yuldashev, J. A. (2022). Mechanisms of Customer Attraction Based on Marketing Strategies in Commercial Banks. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS*

STARTUPS AND OPEN SOCIETY, 2(10), 25–32. Retrieved from <https://inovatus.es/index.php/ejbsos/article/view/1313>

56. Pardayevich, K. B. (2022). ANALYSIS OF PRODUCT PRICING BASED ON PRODUCT PARAMETERS AND CUSTOMER CHOICE. *Journal of new century innovations*, 6(1), 67-79

57. САГДИЛЛАЕВА, З. А., & ЧОРИЕВ, И. Х. (2016). Проблемы аудита оплаты труда. In *СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ И РЕГУЛИРОВАНИЯ: ПОИСК ОПТИМАЛЬНЫХ РЕШЕНИЙ* (pp. 113-119).

58. Choriev, I., & Mamatqulov, A. (2018). THE EFFECT OF DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ON SEGMENTAL SEPARATION OF POPULATION. *International Finance and Accounting*, 2018(5), 12.

59. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). РАСЧЕТ РЕНТАБЕЛЬНОСТЬ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА (ROE) В УЗБЕКИСТАНЕ . *World Scientific Research Journal*, 23(2), 182–190. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3031>

60. Тулаев Мирзакул Саламович. (2024). МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТЛАРНИ КОЭФФИЦЕНТЛАР ЁРДАМИДА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ . *World Scientific Research Journal*, 23(2), 149–162. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3028>